

Аллоҳ ҳолимизни ислоҳ қилсин!



13:15 / 13 октябрь 2410

Пешинга яқин масжид тараф йўл олдим. Машинадан тушар эканман, атрофи оқ сурп билан ўралган тобутга кўзим тушди. Демак ёши катта инсон вафот этибди. «Биз Аллоҳникимиз ва албатта, Унга қайтувчимиз». Тобут жаноза ўқиладиган жойда турарди. Унинг атрофида ҳеч ким йўқ. Гўёки майитни қабрда ёлғиз қолишига ҳозирдан тайёрлашаётгандек эди. Ҳар галгидек нарироқда фақат жанозани ўзига қатнашадиганлар масжид ташқарисида туришибди. Улар орасида дарахт соясида алоҳида турган уч-тўрт нафар ёши катталарга ҳам кўзим тушди. Кўринишидан олтмиш ёшлардан ошган кишилар эди.

Ичкарига кирдим. Азон айтиб бўлинган, одамлар пешиннинг олдинги тўрт ракъат суннатини ўқишаётган экан. Ташқи айвоннинг орқароқ қаторидан жой топиб, мен ҳам намозни ўқишга киришдим. Ибодатни бошлашга бошладиму, ташқаридан келаётган баланд овозлардан хаёлим чалғий бошлади. Дарахт соясида ўтирган чоллардан бирортасининг қулоғи оғирроқ шекилли, бир-бирига қаттиқ-қаттиқ гапиришарди. Тўрт ракъат намозни зўрға, таъбим хира бўлиб ўқиб тугатдим. Чоллар кимнингдир иккита квартираси борлигидан тортиб, оиласида нечта ака-ука қолганини қизғин муҳокама қилишаётган эди. Энг ёмони, ора-сира сўкиниб ҳам қўйишарди. Диққатни жамлашга ҳар қанча уринмай, эплломадим. Билдимки, ҳали-ҳануз хушуъ билан намоз ўқишни ўрганмабман.

Фарз намозига иқомат айтилганда салқингина хонақоҳга кириб бордим. Бу ерда ортиқча овозлар эшитилмади. Балки ҳалиги кишилар жим бўлишгандир ёки зич ёпилган деразалар ташқаридаги овозларни ичкарига киритмагандир...

Авваллари бизга катталар жаноза одобларини ўргатишарди. Маълумки, мусулмоннинг бошқа бир мусулмон бандага нисбатан ҳақ-ҳуқуқлари бор. Бир мусулмоннинг таниши вафот этса, унинг жанозасида ҳозир бўлиш мазкур ҳақлардан биридир. Жанозада қатнашаётган киши эса дунёвий гаплардан тийилиши, вафот этганнинг ҳаққига Аллоҳдан раҳмат ва мағфират сўраб дуо қилиши, унинг бу дунё ҳаётидаги қилиб ўтган яхши амалларини зикр этиши керак. Улуғларимиз жанозада ҳар бир инсон учун катта ибрат бор, деб насиҳат қилишган. Дарҳақиқат, бир яқин кишисининг ўлими бошқа бир мусулмонни ўтган умрини эслаб, ўзини сарҳисоб қилиши учун энг яхши эслатмадир. Бундай вақтда инсон ўз-ўзидан сергак тортиб ўйга толади.

Бир вақтлар масжидга кириб намоз ўқувчилар сони кам бўлса-да, жанозанинг ўзига келган инсонлар шовқин кўтармас, маййитнинг ҳурматини ва жаноза одобини сақлашга ҳаракат қилишар эди. Ўлимни кўз олдларига келтириб маҳзун бош эгиб туришарди. Энди-чи?..

Хуллас, жаноза намозини ҳамма бирга туриб ўқиди. Йиғилганлардан бир гуруҳи тобутни елкаларига олиб қабристон томон йўл олишди, қолганлар дунё ташвишлари ва гап-сўзлари билан овора бўлиб қолаверди.

Аслида жаноза одоби ҳақида ҳозир ҳам кўп гапирилади, лекин, назаримда бу гаплар шунчаки эътиборсиз қолаётгандек... Ёши бир жойга бориб қолганларнинг муносабати шундай бўлса, улғайиб келаётган ёш авлоддан нимани кутамиз?

Аллоҳ ҳолимизни ислоҳ қилсин!

Санъат Ҳасанов

«Ҳилол» журнали 3(60) сон